

Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 14 май Чоршанба. № 37 (14429)



ҲАР ИШДА ИЗЛАНИШ ВА ТАШАББУСКОРЛИК ЗАРУР

Республика Президенти Ислон Каримов 10 май куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюриб, бу ерда иқтисодий ислохотларнинг бориши, жумладан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилётган ишлар билан танишди. Чегарачи аскарлар ва божхона ходимлари ҳузурда бўлиб, уларнинг жанговар тайёргарлиги, яшаш шароити билан қизиқди.

Сурхондарёлик пахтакорлар ўрта ва ингичка толали ҳосил етиштиришда кўп йиллик тажрибага эга. Бу йил вилоятда 18 минг гектар майдонда чигит Андижонча усулда плёнка остига экилади.

Мамлакатимиз раҳбари Термиз туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигининг Ф. Шоймуродов бошлик бригада далаларини бориб кўрди. Бу ерда чигит плёнка остига экилган ерларда ниҳоллар бир текис униб чиққан. Чигит одатдаги усулда экилган майдонлардаги қараганда гўза баравар ўсмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, пахта 25-30 кун илгари пишиб остида.

Плёнка остига чигит экиш вилоят пахтакорлари учун янгилик, ҳали синиб кўрилмаган агротехника тадбири бўлгани сабабли экиш пайтида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Хусусан, ер об-тотиба шудгорланмаганлиги, чигит экиш вақтида плёнка тўлиқ ёйилмагани ва баъзи жойларда уя катта очиллиши натижасида бегона ўт ўсишига шароит туғилган.

Биз бундан кейин барча агротехника тадбирларини тўри ўтказиб, мўл ҳосил олишни мўлжаллашамиз, биринчи йил биз учун ўрганиш, тажрибани амалиётда қўллаш йили бўлди, дейишди деҳқонлар.

Мамлакатимиз раҳбари шундай деди: **биринчи йил камчиликлар бўлиши табиий. Асосийси, бу усулнинг Сурхондарё иқлими, об-ҳавосига қандай тўғри келиши, келмаслигини батафсил ва чуқур таҳлил этиш керак. Шундан кейин қишқиб, саяқларни мослаштириш, техникадан тўғри фойдаланиш, иш умумдорлигини оширадиган керакли ўзгаришларни киритиш зарур.** Бу масала пухта ўйланмас, тўғри сабоқ, ҳулоса қилинмас экан, яхши натижага эришиб бўлмайди.

Одатда жануб шароитида майдонлар сугорилиб, етарли нам тушганча, чигит экилади. Бу йил ҳам шундай қилинди. Лекин тажриба сифатли шудгорланган майдонларни сугормасдан март ойининг биринчи ўн кунлигида плёнка остига чигит экиш мумкинлигини кўрсатди.

Президент мутахассислар ва хўжалик раҳбарлари билан янги усулнинг иқтисодий жиҳатлари — пахта сифати, уни сотиш, барвақт йиғиштириб олинган ҳосил ўрнига кузги галла экишининг афзалликлари тўғрисида суҳбатлашди, қимматли маслаҳатлар берди.

Тумандаги «Янгиарик» жамоа хўжалигининг ижра

рачи галлакори М. Абдураҳмонова даласида етиштирилётган «Скифянка» навли бугдой ривожидан мамлакатимиз раҳбари мамнун бўлди. Сара, ҳосилдор, маҳаллий иқлим шароитига мос бугдой навларини етиштириш, уни уруғчилик хўжаликларига синиб кўриш мумкинлигини ўқтирди.

Бугдой бошоқлари тўлишиб, пишай деб турган галлазорда бўлган суҳбат чоғида Ислон Каримов инсон учун энг муҳими тинчлик, оқилоллик эканини, бу юрда фидойи одамлар, ер илмини пухта биладиган деҳқонлар борлигини қайд этди.

Энг муҳими, бизга оллоқ инъом этган умумдор замин, саховатли қўш, қолаверса, меҳнатқаш халқимиз бор, деди давлатимиз раҳбари. Қўзла-ланг мақсадларимизга эришиш учун эса изланиш, тадбиркорлик, ҳамжиҳатлик керак. Қаердаки тинчлик, оқилоллик, ҳамжиҳатлик, халққа гам-хўрилик бўлмаса, бирон натижага эришиш амри маҳол. Бунга ён атрофимизда мисоллар кўп. Шунингдек, мустақил давлатимизда ёш авлоднинг тарбиялаш, уларга замонавий таълим бериш, таълимни ислоҳ қилиш давр ўртага қўйган муҳим талабдир. Ватанимизнинг келажакги бўлган бугунги ёшлар миллий, умуминсоний қадриятлар, шарқона одоб-ахлоқ руҳида тарбияланмоғи зарур. Бу борда тўққиз йиллик мажбурий, кейинчалик яна уч йиллик мажбурий-ихтиёрий таълимни жорий этиш, шу йўналишда ёшларни касб-ҳунарга ўргатиб, мустақил ҳаётга тайёрлаш лозим.

Ислон Каримов Термиз шаҳридаги дорин-дармон ишлаб чиқарувчи «Сурхон-Ал-Жанга ЛТД» Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонасини бориб кўрди. Бу ерда ҳозирча 20 хил дорин-дармон тайёрланмоқда. Хом ашё Ҳиндистондан келтириляпти. Ваҳоланки, воҳанинг қўлай табиий иқлим шароитида ўсаётган гиёҳлардан дорин-дармон тайёрлаш имкони мавжуд. **Хом ашёнинг асосий қисми ўзимизда тайёрлиши керак. Акс ҳолда бу корхонанинг истиқболи йўқ,** деди Президент. **Бунга эришиш учун изланиш, имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарур.** Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Узфармсанот» концерни мазкур корхона билан яқин ҳамкорликда иш юритишлари лозим.

Давлатимиз раҳбари чегара масканларидан бирида бўлиб, ҳарбийларга яратилган шароит, ватанимиз сарҳадларини қўриқлаётган аскар ва зобитларнинг ҳушёрлиги, жанговар тайёргарлиги билан танишди.

Ватанимиз ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг му-

қаддас бурчидир, деди Президент. **Она-Ватан эса — сен туғилган уй, унда қолган ота-онанг, туғишганларинг, ёру-биродарларинг демекдир.** Армия сафида хизмат қилиш йигит учун улкан синовдир. Бу даврда у ҳам жисмонан, ҳам руҳан камол топади. Зеро, мусофир бўлмаган мусулмон бўлмас, деди бежиз айтилмаган. Амир Темур миллати ҳеч қандам кам эмаслигини теран ҳис этиб, томирингизда ана шу шавқатли аждодлар қони қаётганидан гурурланишингиз даркор.

Утган йил октябрь ойида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Тожикистон чегарасидаги Гулбаҳор божхона масканида бўлганда бу ердаги аҳволни мутлақо қониқарисиз дея баҳолаб, уни ўнлаш юзасидан зарур топшириқлар берган эди. Орадан кўп вақт ўтмай, бу ерда зарур анжуман билан жиҳозланган замонавий божхона биноси қад ростлади.

Мамлакатимизда тинчлик, оқилоллик ҳукм сурумқда, деди Президент. Лекин қўшни Тожикистон ва Афғонистонда вазият нотинч. Шу боис чегарачи ва божхоначиларимиз ҳамкорликда ишлаб, ҳудудимизга қурол-проф, наркотик моддалар олиб ўтилмаслигини, республикамиздан халқимиз учун зарур маҳсулотлар ташиб кетилмаслигини таъминлаш даркор. **Бунинг учун эса ҳар биримиз — у хок раҳбар, хок оддий ишчи бўлсин, ўз иш жойида вазифасини холисона, масъулият ва жавобгарликни ҳис этган ҳолда бажармоғимиз лозим.** Ҳокимликлар, вазирликлар, суд ва ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини баҳолашда бу асосий мезон бўлмоғи даркор. Бу борда сўров жиддий бўлади. Шунинг учун ҳар ким ўзига ҳисоб бериб борсин. Зеро, бу шартларнинг бажарилишига кўп нарсаси — юртимиз тинчлиги, келажак ботлиқдир.

Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустақамлаш борасида ўзи талланган тараққиёт йўлидан далил оидилмоқда. Бунинг уaldasинан чиқиш учун табиий шарт-шароит, илм-фан салоҳияти, иқтисодий имкониятлар етарли. Фақат улардан оқилол-фойдаланишга эришмоқ зарур.

Ислон Каримовнинг Сурхондарё вилоятига сафари чоғида унга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Сурхондарё вилояти ҳокими Ж. Норалиев ҳамроҳлик қилди.

(УЗА).

«Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари» мавзуидаги конференция қатнашчиларига

Муҳтарам дўстлар!

Замон бизнинг зиммамизга янги, демократик жамият қуриш билан бирга мустақил тузум қолдирган оғир асоратлардан халос бўлган, юсак маърифатли, улкан салоҳиятли авлодни тарбиялашдек муқаддас вазифани юқлади.

Бугунги анжуманда фарзандларимиз тарбияси ва таълими, бинобарин, миллат ва Ватан келажак, тақдири ҳусусида сўз борди.

Баркамол инсонни вояга етказиш учун энг аввало оила, маҳалла, мактаб, буткул жамият ва давлатнинг узвий ҳамкорлигини юқори поғонага кўтариш лозим. Оила — жамият асоси, маҳалла — миллий қадриятлар бешиги. Аҳил хонадонда, маърифатли маҳаллада, инсонларвар жамиятда зукко йигитлар, оқила қизлар, умр бўйи элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган комил фарзандлар уяллади.

Халқимиз фарзандлари ниҳоятда истеъдодли, ақлу заковат бобида ҳеч қандам қолишмайди. Уларнинг томирда инсоният тафаккури камолга улкан ҳисса қўшган имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улўғбек Мирзо, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюк боболаримизнинг қони жўш урмоқда. Уларнинг иқтидорини қадрлаш, имкониятларини тўлиқ юзага чиқариш, Ватанимиз мард ва фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш бериш, эзгу ва улўғ мақсадларга йўналтириш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Қадрли анжуман қатнашчилари! Сизларга ва сизлар орқали барча ватандошларимизга марожаат қилиб

айтмоқчиманки, давлат, жамият ва ота-онанинг бурчи фарзандларни соғлом ўстириш, вояга етказиш, умумий билим бериш билангина чекланмайди. Уларга энг замонавий касб-ҳунар ўргатиш ва энг муҳими уларнинг ҳаёт синовларига мардонла бардош бериб, турмуш гирдобларини шижоат билан енгиб ўтиб, келажакда ўзларига муносиб ўрин топишлари учун имконият яратмоғимиз даркор. Мана шу ўта мураккаб ва долзарб масала бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи мезонидир.

Бозор муносабатларига ўтиш даврининг барча қийинчиликларини рўй-рост кўриб турибмиз. Биз учун инсонларни бир-бирдан ажратадиган, ижтимоий тафовутларни кучайтирадиган бозор муносабатлари эмас, аксинча, меҳру оқибатга рағбат берувчи маърифатли бозор муносабатлари мақбулдир. Шахс маънавияти, жамият маънавияти масалаларини энг долзарб иқтисодий муаммолар билан баробар ва балки улардан ҳам устун қўяётганимизнинг боиси ҳам шунда. Ўзбекистон талланган йўлининг ўзига хос ва ўзига мос жиҳатларидан бири ҳам худди шунда муҳасамдир.

Ишончим комилки, анжуман бугун замон ўртага ташлаётган муаммоларга амалий жавоб беради. Ёш авлод тарбиясида дахлдор ташкилотлар фаолиятига янги мазмун, куч ва ғайрат бағишлайди.

Анжуманинг ишига муваффақият тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МУАММОЛАРИ

Аввал хабар қилганимиздек, Тошкентдаги муҳташам «Континенталь» меҳмонхонасида «Давлат, Жамият, Оила ва ёшлар тарбияси муаммолари» мавзуида конференция бўлди. Уни республика Президенти девони Аҳборот маркази раҳбари А. Кўчимов бошқарди.

Республика Президенти Ислон Каримовнинг анжуман қатнашчиларига таърифини Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Гуломова ўқиб эшиттирди.

Д. Гуломованинг «Маънавий баркамол инсонни шакллантириш — ислохотларнинг устувор йўналиши»

мавзуидаги маърузаси тингланди. Нотиқ ўсиб келётган соғлом авлодни тарбиялаш давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифаси эканини таъкидлади. Катта авлоднинг ёшлар тақдири учун юсак масъулият ҳақида фикрлашиб олишга, масалага танқидий ёндашиш, бу ҳусусда бепарволик, масъулиятсизлик, лоқайдликнинг ҳар қандай кўринишларига йўл қўймайлик қаққирди. Шундан сўнг «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Х. Абдураҳмонов, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, меҳнат вазири О. Обидов, республика Бош прокурири Б. Мустафоев, алия вазири С. Мирсафоев, ижтимоий таъминот вазири Б. Умурақов,

«Нуроний» жамғармаси раиси Б. Раҳимов, «Камолот» жамғармаси Наманган вилояти бўлими раиси И. Нажmiddинов ва бошқалар ёшлар билан ишлашнинг самардорлигини ошириш омили, таълим ва ёшлар тарбияси муаммолари, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий қаролатлари сингари долзарб мавзуларда фикр юритдилар.

Конференция ишида Республика Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиева қатнашди.

(Анжуман ҳақидаги материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишишингиз мумкин).

Иқтидорчилар — юрт бахти

Сарвиноз Францияга боради

Чироқчи туманининг Қори Ниёзий номидаги мактаб ўқувчиси Сарвиноз Эргашева ўз тенқурлари ўртасида шахмат бўйича мамлакат чемпиони бўлди. Энди у октябрь ойида Францияда ўтайдиган халқаро мусобақаларда иштирок этиб Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади.

Бу хушxabарини эшитганча, ҳар бир юртошнинг сингари менинг ҳам қалбим гургура тўлди. Сарвиноз яшайдиган «Меҳнатобод» жамоа ширкат хўжалигининг «Қахрамон» қишлоғига йўл олдим. Ёш шахматчининг отаси Абдуқамол Эргашев ўқитувчи, айна пайтда туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг шахмат секциясини бошқарар экан. У ўзининг шахматга бўлган меҳрини фарзандига ҳам сингдирибди.

Биринчи синфнинг дастлабки чораги тугаб, Сарвиноз «алифбе»ни ўрганиб олган, унга олдин шашка, кейин шахмат қондаларини тушунтирдим, — деди А.Эргашев. — У жуда қизиқиб қолди, доня суришни ҳам теда ўрганиб олди. Спорт мактабининг ўқувчилари тез-тез шахмат мусобақаларида қатнашиб туради. Шундай мусобақалардан бири 1995 йили Шаҳрисабзда ўтказилди. Командамиз аъзоларидан бирининг ёши тўғри келмай қолди, унга мусобақада иштирок этишга руҳат беришмади. Шунда таваккал қилиб унинг ўрнига Сарвинозни киритдик. Ушанда унинг шахматини ўрганганига бир йил ҳам тўлмаганди. У жуда яхши натижага эришди.

Шундан сўнг қизим билан жиддий машғулот ўтказса бошладим, мусобақаларга олиб бордим. У вилоят ва республика миқёсидаги қатор

мусобақаларда голиблар сафидан ўрин олди. Жумладан, 1995 йил вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари биринчилигида 6 имкониятдан 5,5 очко жамғариб, биринчи ўринни эгаллади. 1996 йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқаро турнирда голиб деб топилди. Шу йил март ойида вилоят ўқувчиларининг тўртинчи спартакиадада 8 имкониятдан 8 очко жамғариб, голиб бўлди. Ва, ниҳоят, 19-31 март кунлари Қарши шаҳрида ўтган республика биринчилиги мусобақаларида 10 имкониятдан 8,5 очко тўплаб, ун ёшгача бўлган қизлар ўртасида мамлакат чемпиони бўлди.

Сен учун энг кучли рақиб ким бўлган? — сурайман Сарвиноздан.

Ўзбекистоннинг аввалги чемпиони Екатерина. Уни 56 юришда мот қилдим, — дейди Сарвиноз.

— Шунда у нима деди?

Ийлаб юборди.

Сарвиноз энгилгина ўн ёшга тўлапти. Энди Сарвинозга профессионал устоз керак. У Францияда ўтайдиган мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши лозим. Шунингдек, Сарвинознинг сафарига ҳоҳийлар ҳам кўмаклашса яхши бўларди. Уйлаймики, мутасадди ташкилотлар бу борда ўз ёрдамини аямайди. Биз халқимизнинг бундай иқтидорли фарзандлари билан ҳар қанча фахрланмасак айриди. Зеро, Сарвиноз мустақиллигимиз меваси, мустақил Ўзбекистоннинг кичик фуқаросидир. Эртага ёш ўзбек қизи жаҳон чемпиони бўлса не ажаб.

Абдужалол Тайпаев, УЗА мухбири.

Президент Ашгабадга жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 13 май куни Иқтисодий ҳамкорлик Ташкилотига (ЭКО) аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида иштирок этиш учун Туркистон пойтахти Ашгабадга жўнаб кетди.

— ЭКО га аъзо давлатларни узаро боғлайдиган коммуникация тармоғини ривожлантириш, жумладан, транспорт йўлларини яхшилаш муаммолари муҳокамаси навбатдаги учрашувда кўриладиган асосий масалалар, — деди Ислон Каримов Ашгабадга жўнаш олдидан журналистларга берган интервьюсида. — Маълумки, айни пайтда Марказий Осиёдан Кавказorti республикалари ва Қора денгиз орқали Европага чиқариладиган транспорт йўли барпо этилмоқда. Лекин минтақамиз, хусусан, Ўзбекистоннинг дунё билан савдо-иқтисодий алоқалари янада кенгайтириш учун жанубда жойлашган қўшни давлатлар худуди орқали Бевоиста Ҳинд океани ва Форс кўрфазига чиқиш ҳам ниҳоят муҳимдир.

Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Ўзбекистон Олий Мажлиси раиси Э.Халипов, Бош вазир У.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Б.Гуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлағанов ва бошқа расмий кишилар кўзатиб қолди.



Футболчиларимизнинг дастлабки ғалабаси

Футбол бўйича 1998 йилги жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинларида биринчи марта иштирок этаётган Ўзбекистон миллий терма командаси дастлабки учрашувда Яман командаси устидан ғалаба қозонди.

Яманнинг Сано шаҳрида бўлиб ўтган бу учрашувда ягона тўпни ўйиннинг 29-дақиқасида Нўрмон Ҳасанов киритди. Қизилқарий ўтган учрашувда тўп киритиш имкониятлари кўп бўлишига қарамай, иккала команданинг ҳисобини ўзгартришга уринишлари бошқа натижа бермади. Ўзбекистонлик спортчилар дастлабки саралаш ўйинини 1:0 ҳисобда ютдилар.

Яман футболчиларининг миллий командаси билан иккинчи учрашув 13 июль куни Тошкентдаги «Пахтакор» марказий стадионда бўлади. Бунга қадар Ўзбекистон миллий терма командаси 25 май кун Камбожда терма командасини қабул қилиб, 6 июнда Индонезия командаси билан рақиблар майдонда учрашади.

САНЪАТ САРЧАШМАЛАРИ

Гўлэр номлидаги республика мусиқа мактабида ўрта махсус санъат билим юрталари мусиқа икромчиларининг XIV Республика танловини ўтказилди.

Кескин баҳс билан ўтган танловда Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон, Қарши, Бекбова ва Гулистон шаҳарларидан 46 икромчилар иштирок этишди. Айниқса Усленский номи мусиқа билим юрталари қатнашган 12 нафар ўқувчи муваффақият қозониб, танловнинг кўплаб ёрликларини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Бош сурвонларни С. Назимов, П. Назиров ва П. Дувровнилар қўлга киритишди. Иккинчи даражали сурвонлар С. Умаров, М. Рыбкин, Х. Серимбетов, А. Черноомларга насиб этди. Яна бир иқтидорли икромчи К. Имомов танловнинг учинчи даражали сурвонига сазовор бўлди.

Танловда ўзининг маҳорати билан чуқур таассурот қолдирган ҳамда Ўзбекистон Бастакорларининг асарларини энг яхши лўғро этган О. Аскарлов ва А. Черноомлар Ўзбекистон Республикаси Бастакорлар уюшмасининг «Умид» соврини билан тақдирландилар. Ҳамза номлидаги мусиқа билим юрти талабаси Елена Матвеева ҳам лауреат бўлди. Шу билан бирга бир қанча мусиқа ўқувчилари ва раҳбарлари ҳам муносиб тақдирландилар.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 13 майдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматини 60 сўм16 тийин миқдорда белгиледи.



"Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари" конференциясида

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтаётган бир даврда ёшлар тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек: "Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндиликда ҳаётга қалам кўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни синдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собиққадим ғайрат - шижоатида, тўла - тўқис фидоқорлиги ва ҳечқис меҳнатсеварлиги боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равиқ топишининг асосий шартидир".

Шу босдан ҳам "Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган чора тадбирлар дастури"да белгилаб берилганидек, ёшлар тарбияси алоҳида эътибор бериш, уларни жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиётига фаол иштирок этишларини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг бурч ва вазифалари ҳисобланади. Шу мақсадда энг аввало, республикамиз ёшлари онгига маънавият ва ахлоқийлик каби юксак фазилатларни тарбиялашимиз зарур.

Яқинда Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида ва халқ депутатлари Андижон вилояти кенгаши сессиясида Президентимиз айтган сўзлар маъносига эътибор берсак, давлат раҳбарининг ёшлар тақдири, келажак авлод тақдири ҳақида қанчалик қўйиначанлигининг гувоҳи бўламиз. Айниқса ўғил - қизларимизнинг таълим олиши, бирор касбни эгаллашга кўмаклашиш масаласи мамлакат миқёсида тўлиқ таҳлил қилиниб, бу борада ҳали ечилиши лозим бўлган муаммолар ҳамда ушбу муаммоларни ечиш йўллари аниқ кўрсатиб берилди. Ёшларни воғта етундариғача бирон бир касб эгаси бўлишини таъминлашга ҳам давлат ўз зиммасига олиши таъкидлаб ўтилди.

Балогатта етаётган қанчалоб йигит - қизларимиз кутулаётган таълим ислохотларидан мамнун бўлишди, деб ўйлайман. Шундай бўлса, республикамизнинг барча вилоятлари, чекка туманлари қишлоқларидаги ўқув даргоҳлари мутоққ замонавий услубда шаклланиши, таълим тизимига янги чару киритиши лозим.

Бунинг учун халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида таълим - тарбия мазмунини қайтадан мукамал ишлаб чиқишлари зарур.

Бу ўринда:
- таълим - тарбия ишлари шакллари, усул ва воситаларини жаҳон андозаси талабларига мос ҳолда ривожлантириш;
- таълим, маданият - маърифий муассасаларни янги техника ва технология асосида жиҳозлаш;
- ўқитувчи мураббийлар иходкорлигини таъминлаш, касб маҳоратларини оширишининг самарали йўллари топиш;
- қишлоқ ёшлари учун таълим муассасаларининг замонавий шакллари кенг жорий этиш;
- ёшлар учун соғломлаштириш комплекслари, дам олиш лагерлари ташкил этишга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Ёшлар маънавий етуклигининг энг муҳим мезонларидан бири ватанпарварликдир.
Ватанпарварлик ҳиссини ўз фарзанди қалбига синдирилган ота - онанинг, шундай руҳ билан ишайдиган халқнинг келажакки порлоқдир. Юртини севган, унинг порлоқ келажакка ишонган ҳар бир фуқаро, ҳар бир ёш учун юрт тараққиётига улш қўшиш асосий мақсад бўлмоғи зарур.
Балъан ёшларимизнинг ўқишга, меҳнатга, оилага, атраф - муҳитга нисбатан лоқайликларини кўриб ўйлаб қолсан, киши. Ватан, халқ, жамият раванқа йўлида меҳнат қилмасдан енгил - елпи ҳаёт кечираётган ёшларимиз ҳам борлигини тан олмақ керак. Бундай ёшлар орасида турли жиноятлар содир этганлар кейинги беш йилда республика миқёсида 12,3 фоиз камайган

бўлсада, 1997 йилнинг 1 чорағида Жиззах вилоятида 12,5 фоиз, Тошкент вилоятида эса 15 фоиз ошганини ижобий ҳол деб бўлмайди албатта.
Менинг назаримда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, таълим муассасалари, маҳалла, хотин - қизлар кўмиталари бу борада ҳамкорликдаги фаолиятларини кучайтиришлари зарур.
Муस्ताқиллик шароғати билан аёйиб миллий анъаналар, урф - одатлар, маросимларни тиклаш, бойитиш, ҳаётга кенг жорий этиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Лекин баъзида ҳаётимизда юз бераётган ҳурф - одатлар, расм - рўсуллар ниқоби остида дабдабозлик, ўз бойлигини кўз - кўз қилиш, ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўйиш ҳоллари ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Бу ўринда оила, маҳалла кўмиталари, хотин - қизлар ташкилотлари, мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлида ўзларининг ягона дастурларини яратмоқлари, уни амалиётга жорий етмоқлари зарур.

Бизнинг назаримда маҳаллий хусусиятларни назарда тутган ҳолда кам таъминланган, эҳтиёжман оилаларнинг тўйларини бираштириб, "Қўшма тўйлар"ни маҳаллалар ҳомийлигида, маҳалла кўмиталари қошидаги маслаҳат кенгашлари раҳнамолигида ўтказиш фойдалан ҳоли эмас. Жойларда бундай

ликнинг ўсиши сабабларидан бири ҳам ёшларни балогатта етмай, турмушга тайёр бўлмадан турмуш қурдиришдан иборат эканлигини ҳеч биримиз унутмаслигимиз лозим.
Юртбошимиз Андижон вилояти сессиясида алоҳида урғу бериб айтганидек, "Аҳолини иш билан таъминлашдек кескин муаммони ечиш учун биринчи навбатда кичик ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш, авлоддан - авлодга ўтиб келатган миллий ҳунармандчиликни қўллаб - қувватлаш, мураккаб вазиятлар юзга келганда эса, маҳаллий шарт - шaroитни эътиборга олган ҳолда, янги - янги имкониятларни излаб топиш ҳисобига ҳал этиш зарур".

Қишлоқ ёшлари тақдири, таълими, тарбияси билан боғлиқ маскур масалаларни ҳал этиш ҳар бир давлат ва нодавлат ташкилотларнинг қолаверса, ҳар бир фуқаро фаолиятдан ўрин олмоғи зарур. Бунинг учун ушбу масалалар юзасидан аниқ режа ва дастурлар тузилиши ва амалиётга жорий этилиши мақсадга мувофиқдир.

Ёшларнинг кийиниш маданиятига риоя этиши ҳам тарбия мезонларидан биридир.

Шу ўринда, умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун ягона мактаб либоси жорий этилиши ота - онанинг кам чикимлигини таъминлаши, оилада тинчликнинг барқарор

эмас, балки салбий таъсир етмоқда.
Ёшларнинг бўш вақтида маданият ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш учун: ёшлар, хотин - қизлар ташкилотлари, таълим - тарбия муассасалари, маҳалла мутасаддилари, республика ва маҳаллий касабга уюшмалари республикамиз шаҳарлари бўйлаб маданият масканларга, тарихий обидаларга саёфлар уюштириш, сўлим оромгоҳларга қисқа мудатли ҳордиқ чиқариш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, байрам тантаналарини ҳар бир туман, ҳар бир маҳалла сайиллар шаклида ўтказишга эътибор қаратмоқлари лозим.

Айни вақтда ёшлар учун муस्ताқиллик руҳи билан суғорилган телерадио кўрсатув ва эшиттиришлари, спектакллар, мустақил республикамиз тарихи ҳақида бадий, ҳужжатли киновидеофильмлар, давримизнинг илғор кишилари, шу жумладан, фаол ёшлари ҳақида киноасарлар, китоблар йўқ десак ҳам бўлади. Бу борада ёзувчи, шоир, олимларимиздан умидимиз катта.

Мамлакатимизда ҳуқуқий жамият куриш учун кураш кетаётган бир даврда ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини тарбиялаш муҳим аҳамият касб етади. Бугунги ёшлар ўз ҳақ - ҳуқуқларини, бурч ва вазифаларини тўлиқ биладилар деб айта олмаимиз. Олий Мажлис томонидан қўйиб қилинаётган Қонунлар Президентимиз Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари моҳитини аксарият ёшларимиз билишмайди.

Бунинг учун умумтаълим тизими, олий ва ўрта махсус олий ўқув юрталарида инсон ҳуқуқлари бўйича ўқитиш тизimini қайта ташкил этиш, оила, маҳалла ва жамоатчилик ўрта - сида ҳуқуқий тарбия ишларини самарали шакллантириш усулларидан кенг фойдаланиш зарур.

Оила ёшларни маънавий ва жисмоний шакллантиришнинг муҳим бугини ҳисобланади. Айнан оилада ўзаро ҳурмат, меҳр - оқибат, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ва ватанпарварлик каби олий даражадаги ахлоқий - маънавий сифатлар шаклланиди, авлоддан - авлодга етказилади.

Аёл маънавияти ҳақида гапирар эканмиз, унга қарама - қарши ўлароқ аёллар ўртасидаги жиноятчилик, гиёҳвандлик ҳолларидан кўз юмоламиз. Жумладан, 1996 йилда 1995 йилга нисбатан аёллар ўртасидаги жиноятчилик Навоий, Тошкент, Фарғона, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўсанлигини ижобий ҳол деб бўлмайди.

Бизнинг назаримизда оилада ёшларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялашда қуйидаги масалаларга эътиборни қаратиш ҳар биримизнинг вазифамиздир:
- Муस्ताқиллик шароғати, янги тузум тақозоси билан давлатимиз раҳбарияти томонидан илгари сурилатган ёшлар тарбияси соҳасидаги сиёсатни оилавий сиёсат даражасига етказиш зарур.

Ёшлар жамиятда рўй бераётган ўзгаришларни ўзгача илиб оладилар, қийинчиликлар вужудга келганда эҳтиросларга берилдилар. Шунинг учун ҳам бизнинг олдимизда турган асосий вазифа - ёшларни турғи йўлга бошлаш, бунда оила билан биргаликда жамоатчиликнинг ўзвий ҳамкорлиги тақозо этилади.

Бугунги анжуман иштирокчилари, ҳокимликлар, жаамгармалар вакиллари жойлардаги ёшларга яқиндир. Айнан, ижтимоий соҳада ёшларга оид амалга оширилаётган ишларнинг аҳволи Сизларга боғлиқдир.

Ўсиб келаётган ўғил - қизларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни Ватанимизнинг муносиб фарзандлари этиб тарбиялаш масаласи борасида маҳаллий дастурларни ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш зарур.
Бугунги кунда биз мустақиллик туғайли жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий - сиёсий, маънавий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ вазифаларни бажаришга киришдик. Уларни давм эитириш эса - ёшларимиз қўлида. Шу сабабдан ҳам барча бор имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланиб, инсон манфаатлари йилида ёшларга бўлган эътиборимизни янада кучайтиришимиз даркор.

Бош Вазир ўринбосари, Республика хотин - қизлар кўмитаси раиси Д. Фуломова маърузасидан
МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ИНСОННИ ШАКЛЛАНТИРИШ - ИСЛОХОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

тадбирларни ўтказиш борасида тўпланган тажрибаларни ўрганиш, оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб этиш лозим. Тўй маросимларини балъан оилаларнинг бузилишига, ногирон болаларнинг туғилишига, жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўладиган спиритли ичимликларсиз, ортиқча сарф - ҳаражатларсиз, исрофгарчиликсиз, режали ўтказиш - оилаларнинг моддий ва маънавий барқарорлигини таъминлаш гаровидир.

Шу ўринда мен ҳаётимизда тўй маросимлари билан боғлиқ баъзи салбий ҳолатларга сизнинг эътиборингизни жалб етмоқчиман. Яъни, балогатта етмасдан қизларимизни катта тўй тантаналари қилиб турмушга бериш ва уларнинг она бўлиши, қариндош - уруғ ўртасида ниқоҳ каби салбий ҳоллар учраб турибди. Бу эса ёшларнинг жисмоний ва маънавий саломатлигига ўз таъсирини кўрсатмоқда, ногирон бўлиб қолишига, ногирон болаларнинг қўйишига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, 1996 йилда 1995 йилдаги нисбатан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Тошкент, Фарғона, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида балогатта етмасдан турмуш қурган қизлар сонни ўсиб кетган.

Ахир бу ёшда қиз бола ҳеч қандай касбини эгалламаган, на турмушга, на бола туғиб тарбиялашга тайёр бўлади. Энг кўп оналар ўлими шу ёшда содир бўлмоқда. Бу қизнинг тақдири билан ким қизиқсини лозим. Қани бу ерда ота - онанинг маҳалланинг, хотин - қизлар кўмиталари ва таълим муассасаларининг роли? Ахир ақриларнинг сабабларидан бири ҳам, республикамиз бўйича болалар, аёллар ўртасидаги ногирон -

бўлиши, ўқувчи ёшларнинг эса ўқишга бўлган меҳр - муҳаббатини ошиши учун гаровдир.

Афсуски кейинги йилларда оилавий китобхонликлар, ёшларни кутубхоналарга бориши ва ундан фойдаланиши, матбуотга обуна бўлиш, радио эшитириш ва телекўрсатувлардан самарали баҳраманд бўлиш, театр, кино, клуб ва музейларга боришини қонқарли даражада деб бўлмайди.

Ёшларнинг маънавий маданиятсизлик даражаси бутун дунё учун умуминсоний қадрият ҳисобланган тарихий обидаларга бўлган муносибат билан ҳам белгиланади. Бу қўлуг қадимжолари эъзозлаш ва заруратга қараб таъмирлаш ишларини амалга ошириш юзасидан ёшлар ташкилотлари томонидан турли тадбирлар ўтказиш бугунги ёшлар онгига тарихимизга, маданиятимизга ҳурмат руҳини тарбиялаш демекдир.

Бугунги маънавий баркамол ёшлар учун кўп тиллилик тенденцияга амал қилиш, уни мукамал ўрганиш, дунё миқёсида чиқиш, Ватанимиз, халқимиз, миллатимизни дунёга танитишга имкон беради.

Ёшларни ҳар томонлама шакллантиришда уларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш муҳим омил ҳисобланади. Лекин бугунги кунда ёшларимизнинг кутубхоналарга бориши, маданият ҳордиқ чиқариш муассасаларида бўш вақтларини самарали ўтказиш, мустақил мутуола билан шуғулланиши талаб даражасида эмаслигини ҳам тан олмақ зарур. Телеэкранларда кўрсатилаётган баъзи ҳаёсиз видеофильмлар, бозорларда бизнес қилинаётган порнографик суратлар ёшлар маънавиятига ижобий

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ЁШЛАР

Ўзбекистонимиз фуқаролик жамиятини куришга қаратилган тараққиёт йўлини белгилаб олди. Муस्ताқилликнинг ўтган йиллари домида бу жараёнларда муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Сиёсий - ижтимоий, иқтисодий ислохотлар жамиятнинг сиёсий тизимини, унинг иқтисодий асосларини тубдан ўзгартирди.
Давлат ва жамият муносабатлари ва унга қараш ўзгариш жамиятда давлатнинг ўрни ва маъкеи турғисидиғи масала фуқаролик жамияти қурилишининг муҳим жиҳатини ташкил этади жамиятни бошқаришда давлат монополиясига барҳам берилиши, сиёсий тизимни янги демократик ҳуқуқий асосларга қўчиши, қонун устуворлигининг жорий этилиши, кўп партиявийлик, сиёсий ва бошқа турли хил носиеий ташкилотларнинг фаолият кўрсата бошлаганлиги жамиятда барча ижтимоий гуруҳлар қатори ёшларнинг онги ва тафаккурига, дунёқарашига, маъжуд тасаввурларини ўзгаришига ҳамда уни янги чарга тамойиллар, метерий нормаларга айланишига шарт - шароит яратиб бермоқда.

Бугунги ёшлар ягона мафкуравий ақидалардан холи бўлиб, дунёқарашини жамият турғисидиғи янги қарашлар асосида қарор топтомоқда. Чунки, улар жамият ижтимоий ривожланишининг турли сиёсий инетитутлар, мафкуралар ва фикрлар хилма - хиллиги асосланган ижтимоий - сиёсий, маданият маърифий макон ва замон орқали дунёни янгича идрок эта бошладилар. Бу ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва маъкеи турғисидиғи қарашларнинг ўзгариши билан бирга, улардан давлат ва жамият қурилиши жараёнида янги чарга онг ва тафаккур, тамойиллар ва қарашлар асосида ендюшошларини талаб этаётганлигини чуқурроқ ҳис этишлари бугун ижтимоий - маънавий эҳтиёжга айланди.

Бугунги ёшлар бундан беш - олти йил олдинги ёшлардан ўз қарашлари, тасаввурлари, ҳаётга муносабатлари билан анча фарқ қилдилар. Улар дари ёшлар тафаккурига чуқур ўзгаришларни олиб кирди. Ҳамда кўпгина ёшларимиз унга аниқ тасаввур, қарашлар, мақсад ва метерий нормалар билан муносабатда бўла бошладилар. Ушбу дариғи хос бўлган айрим тартибсизлик ҳолатлари тасаввурлардаги қоронғилик ўрнида аниқлик пайдо бўлмоқда. Ёшлар олдида муस्ताқилликнинг янги талаблари қўйиначанлигини, янги жамиятни куришини, илм - фани эгаллаш билан боғлиқ катта имкониятлари пайдо бўлганлигини тўлиқ англаб етмоқдалар. Бу ёшларга нисбатдан олиб борилган давлат сиёсатининг муҳим ютуғидир. Бу асосан қуйидаги йўналишларда яққол кўзга ташланмоқда: биринчидан, бунинг учун энг зарур бўлган хоржий тилларни ўрганишга бўлган интилиш; учинчидан, давлат ва жамият қурилиши билан боғлиқ янги йўналишларда пайдо бўлган, тезкорлик билан ижтимоий ҳаётимизга сингиб бораётган турли фан соҳаларини эгаллашга бўлган интилишлар.

Муस्ताқилликнинг ҳар бир йилида ёшларга алоҳида эътибор берилди. Дастлаб уларни ижтимоий ҳимоялаш устуворроқ аҳамият касб этган бўлса, эндиликда ёш олимлар иқтидорли ёшларни қўллаб - қувватлаш билан ўзаро уйғунлашиб, миллий кадрлар тайёрлашининг давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш асосий вазифа қилиб қўйилди.

Ўзбекистонда турли соҳалар бўйича иқтидорли ёшларни қўллаб - қувватлаш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Жаамгармалар тузилмақда. "Қамолот" ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларни чет

зда таълим олишларини қўллаб - қувватлаш учун "Умид" жаамгармаси ташкил этилди. Натижада Ўзбекистон Президентининг грантларини олган ёшлар бозор муносабатлари шароитида устувор соҳалар ҳисобланган. Иқтисод, халқаро ҳуқуқ, информатика ва компьютерлаштириш, табиий фанлар, қишлоқ хўжалиги, экологик ва сув тизимларини бошқариш ҳамда журналистика бўйича бакалавр ва магистр даражасини олиш учун АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Япониянинг турли университетларида ўқиш имкониятига ета бошладилар.

Бу фуқаролик жамияти қурилиши қонунчилиги тўла мосдир. Чунки жамият қурилишини кадрларсиз, уларнинг ақл - заковати ва салоҳиятсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши асосида илм - маърифат этади. Жамият илм - фан ривожидида кўпроқ ютуққа эришиб борса ва ўшлар онги, тафаккурида ўз ифодасини топиб, ислохотлар жараёни билан ўзвий боғланса, ўзининг самарали натижасини беради. Демак, ислохотлар жараёни ўзига хос ақл - идрок, онг ва тафаккурни, илм - фан ривожини ҳам тақозо этади. Бу фуқаролик жамияти қурилиши жараёнида яққол кўринади. Фуқаролик жамияти фуқароларнинг ўз - ўзини бошқаришига ўтиб бориш жараёни сифатида "Фуқаролар жамиятидан" фарқ қилади. Фуқаролар жамиятида давлатнинг ҳокимлиги, бошқаришда монополияси ва аралашуви таъсири ёшларнинг онги ва тафаккурида жамиятдаги сиёсий - ижтимоий, иқтисодий жараёнларда шунчаки иштирок этиш, қонунсизлик, сохта эркинлик, итоткорлик руҳияти, фаолсизлик, олдий ижрочилик кайфиятлари, уларни сиёсий ижтимоий жараёнларнинг объекти сифатидаги ўрни билан характерланади. Бу жамиятнинг ўзига хос ҳолатини кўрсатади. Фуқаролик жамияти эса тамомила бошқача янги тамойилларга, сифат ўзгаришига асосланган жамиятнинг ҳолатидир. Бунда ҳар бир инсон жамиятдаги сиёсий - ижтимоий жараёнларда субъект сифатида иштирок этиши, қонун устуворлиги, демократия, эркинлик бош тамойилга айланади. Ёшлардан шижоат, иждоқорлик, бунёдкорлик, фаоллик каби муҳим фазилатларни талаб этади.

Ҳар бир фуқаро жамиятнинг мустақил, масалу шахси даражасига етиши шарт бўлиб қолади. Бунинг конституцион, ҳуқуқий асослари яратилади ва қафолатланади. Бу жараёнларни тўла амалга ошириш, ҳар бир ёшдан юксак сиёсий онг, маданиятни талаб этади. Қонунларни билиш ва унга амал қилиш фуқаролик жамиятнинг мезони бўлади. Қонун олдида ҳамманнинг тенглиги, унга амал қилиш ва қафолатланишига эришиш унинг муҳим жиҳатидир.

Ислохотлар ёшлар онги ва тафаккурида, фаолиятида муҳим ўзгаришлар бўлишига шарт - шароит тайёрлайди. Аммо бу имкониятдан фойдаланишда, ёшлардаги ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуларининг даражаси муҳим, ҳатто устувор аҳамият касб этади. Шахслар фаолияти, унинг миллий ўзлиги Ватан ва миллат туйғулари билан ҳамоҳанг бўлса, уларда ёшларга хос шижоаткорлик янада ошади. Аммо, ёшларнинг миллий онги, руҳи ана шундай юксак инсоний туйғулар билан тўла ва баркамол бўлишида эришиш осонликча бўлмайди. Ватан меҳри она суги билан инсоннинг гулдак пайтидан унга сингади, онги, тафаккури, қалбидан жой олиб боради. Унинг ҳаёт фаолияти жараёнида янада баркамоллашиб ўз халқи, миллатининг ўмиши, бугунги ва истиқбол билан белгиланади. ватанпарварлик туйғусига айланади. Ёшлардаги фидоилик ҳам шундай янада юксакроқ намоён бўлади.

Ибодулла ЭРҒАШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридиғи Давлат ва жамият қурилиши академиясининг "Фалсафа" кафедраси мудири, сиёсий фанлар доктори.



М.ХУЖАМБЕРГЕНОВ




М.ХУЖАМБЕРГЕНОВ




О.ҲАКИМОВ



М.РАСУЛОВА




С.ОДИЛОВ



Суратқаш А.ГЕРАСИМОВ



М.РАСУЛОВА



С.ОДИЛОВ



Д.КЎЧҚОРОВ



Муффа олам 2025 йилга бориб

Американинг демографик тадқиқотлар бюроси эълон қилган маълумотларга кўра, 2000 йилга бориб, ер юзиде аҳоли сони 6,1 миллиардга етади. 2025 йилда эса бу кўрсаткич 6,8 миллиардга ташкил этади. Аини пайтда сайёраимизда 5,8 миллиард нафар инсон ҳаёт кечирмоқда.

Мажкур бюро ҳисоботида ёзилишича, аҳолининг бу суръатда кўпайиши асосан ривожланаётган мамлакатлардаги аҳоли сонининг тобора ошаётганидандир. Ҳисоб-китобларга қараганда, 2025 йилга бориб ривожланган мамлакатлар аҳолисонининг умумий сони деярли узгармайди, яъни 1,2 миллиардга ташкил этади. Ривожланаётган мамлакатларда яшовчи жами аҳоли сонининг кўрсаткичи эса, XXI асрнинг биринчи чораги сўғида 5,6 миллиардга етади.

Хайр, Вероника

«Бойлар ҳам йилгайди» номли филм орқали томошбинларга яхши таниш бўлган мексикалик санъаткор - Вероника Кастро муҳлислар кўнглини қолдирадиган бўлди. Яқинда журналистларга интервью бера туриб, машҳур киноюлдуз энди сийёсат билан шуғулланишни режалаштираётганини айтди.

Верониканинг таъкидлашича, у асли халқаро муносабатлар бўйича олий ўқув юртини тамомлаган ва сийёсат майдонига ўз ўрнини топа олишига ишончи қомил. Бундан ташқари, Вероника сийёсатга жуда қаттиқ кўнгли қўйганини ҳам айтиб, унинг учун «янгича соҳада фаолият бошлаш ўз-ўзини қурбон қилиш эмаслигини маълум қилди. Шундай бўлсада мексикалик муҳлислар Верониканинг гапларини «шунчаки ҳазилга йўйиб, унинг фақат санъаткор бўлиб қолажасига умид қилмоқда».

Айтилик, масалан, овчи тахион ўқ билан столбада турган қарғани уриб туширди. Шу ердан ўтиб кетаётган ракетанинг дарчасидан қараб турган космонавт кўзига эса қарадан қандайдир номалым сабабга кўра тахион ўқ отилиб чиқиб овчининг милтиғи билан ушлаб қолингандай бўлиб кўринади. Энг асосийси шундаки, овчи қандай бурчакда ушлаб туришини аввалдан билган ва тахион ўқни ушлаб қолишга ҳозирлик кўрган. Буларнинг ҳаммаси космонавт учун ҳақиқий ажойибот бўлиб туюлади.

Тахионлар билан боғлиқ жараёнларда қандай қилиб сабабий бузилаётган ноаниқ қолмоқда. Яқинда италиялик физиклар сабабий бузилиши билан энергия ва импульсини сақлашни қонуни ҳам бузилишини кўрсатиб бердилар. Бошқача айтганда, агар бу қонуниларнинг аниқ бажарилиши талаб этилса, у ҳолда сабабийнинг бузилишига олиб келадиган ўзаро таъсир юзга келмайди ва физик жисмлар тахионларга нисбатан бутунлай шафқоф бўлади. Бахти қарши бунинг ўзи барча қарама-қаршиликларни йўқота олмайдди. Италиялик олимларнинг фикрича, тахионларнинг ҳаммаси билан сирлаша олмас, у ҳолда жисмининг қисми билан таъсирлашадиган ёки аксинча, сабабий-тат билан боғлиқ қийинчилик сакланиб қолади.

Италиялик физикларнинг тажриба натижаси фазо ва вақтнинг катта, микроскопик бўлакларда тахионлар бўлмаслигини далил беради, чунки бошқача бўлганда сабабий таъсир, балки энергия импульсини сақлашни қонуни ҳам бузилади бўлар эди. Агар тахионлар ҳақиқатдан ҳам табиатда мавжуд бўлсалар, у ҳолда улар айтилган, фазо-вақтнинг ўта кичик соҳаларидан чиқа олмаётган бўлсалар керак. Бундай ўта кичик соҳаларда воқеаларнинг мунтазам кетма-кетлигини текшириш мушкул. вазифалар. Ҳақиқатдан ҳам элементар зарраларнинг парчаланиши устиде олиб борилган тажрибаларнинг кўрсатишича, 10-17 сантиметр ва 10-27 секунддан кичик субмикроскопик соҳаларда ўтмиш ва келажакни бир-бирига қарама - қарши қўйиб ўз маъносини йўқотади ёки ҳеч бўлмаганда бизнинг микродунёимизда биз кўнчиқ қолган маънодан анча узоқ бўлади.

Бу борада, албатта ўта кичик соҳаларда тахионларни нима ушлаб турали, уларнинг тарқалиб кетишига нима тўсиқлик қилади? каби саволларнинг туғилиши табиий. У ерда тахионлар беркитиб қўйилган бўлиши мумкин. Бунинг учун улар, масалан, қисқа яқовчи зарралар бўлиб, ўз-ўзидан тезланидан қобилиятга эга бўлиши керак бўлади. Тезликнинг ортиб бориши билан уларнинг яшаш вақти қамийиб боради, шунинг учун ўз-ўзидан тезланиб бориб, ўзи «туғилган» жойдан узоқлашмай бирданга емирилиб кетади. Ўта ёруғлик зарранинг бундай «ҳибса» олиншига яна бошқача сабаблар ҳам бўлиши мумкин.

Янги номлар БЕШИККИНАНГ БИР ДУНЁДИР

КЎЗИМ МОҲИРАГА
Сен учун бешиккинанг бир дунёдир қизгинам,
Борлигининг-да кўзимизга тўтиедир қизгинам.
Сендаги борки зиё биз-чун зиёдир қизгинам,
Ухлагин, йиғламагин, ором олгин қизгинам.

X X X

Сен шамолсан, Мен эса япроқ
Узоқларга кўзимни тиккан
Кимнидир кутган
Шунда сен
Атрофимда бўлиб парвона
Сўзлар эдинг оҳ, ёна-ёна
- Кетдик,
Сенга узоқларга олиб кетаман
Ерига тушдим
Сен югуриб кетдинг
Қўлимдан ушлаб
Қайгадир бошлаб
Ортингдан мен ҳам
Югуролдим кучим борича
Кўп жойларни кездим сен-ла ёна-ён
Билмасдим, кетаяпман қайси йўл томон.
Охири
Кетиб қолдинг...
Мен эса кутдим
Соғинч билан узоқ инграниб
Нечун?
Билсам
Қолибман мен сенга боғланиб
Мен эса кутавердим
Келганимда ортингдан яна кетавердим.
Билдим
Охири қололмадим мен сенга ёқиб
Сени эса бир зарбинг билан сувга тушдим
Ва кетдим оқиб
Қарамадинг...

Баҳодир Холиқов



Шундай одамлар бўладики, номини эшитишинг билан кўнглингда нурли хотиралар уйғонади. Анвар Эшонов шундай инсон эди. У билан бирга ишлаган, бирга сафарга чиққан, борингки ақалли бир марта суҳбатлашган киши Анвар ака ҳақида фақат яхши гап айтиши мумкин. Негаки, у ҳеч кимнинг диллига озор берган эмас. Ҳеч кимни камситган, ортидан майда гаплар айтган эмас. Башарти ўзи билан ишлаган айрим «акахонлар» тўғрисида гапирганида ҳам шу қадар беозор ҳазил билан суҳбат қилардики, ўша одамни сўзлари феъли учун яхши кўриб қолардингиз.

Ўткир ҲОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси. ДИЛКАШ ИНСОН ЭДИ

эмас, ҳавас қиларди. Унинг илк ҳикоялариёқ ўқувчи томонидан катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кутиб олинган. Негаки, адибнинг ўзи ҳаяжон билан ёзар эди. «Дутор», «Европада қолган қабрлар», «Регистон», «Нон исси», «Йигирма миллион оқ қабутар» сингари китоблари ўқувчиларнинг маънавий мулкига айланди. Анвар Эшонов ижодининг бош хусусияти шуки, унда соф ўзбекча руҳ бор. Халқимизнинг ўзига хос олами мана-ман деб кўриниб туради. Қолаверса, ўзбек тилининг галати, тақрорланмас жилолари бор. Бадий асарлари-ку, ўз йўлига ҳатто оддий радио репортажиде ҳам ақалли битта теша тегмаган ибора, ўхшатиш, истиора албатта бўларди. «Анор доналаридек сочилиб кетган ўзбек» деган ўхшатишнинг ўзида нақадар теран, ўзбекона маъно ётибди. Одатда, ижодкорлар шеърини ятдан насрга ўтади. Анвар Эшонов эса китобхонга аввал прозаик сифатида танилди. Қатор ҳикоя ва қиссалар яратиб, кейин шеър ва достонлар ёзди. Бундай ҳол кўп учрамайди. У шеърятга ҳам ўз овози билан кирди. Унинг шеърини мағзи тўқ, фалсафаси теран, жўшқин ва аини пайтда қандайдир вазмин оҳанглар билан тўлик. Қайсидир жиҳатлари билан устоз Фафур Фуломни эслади. Насрий асарлари эса, тилининг жилолари, юмор ҳисси билан Қодирий домлага

оҳангдош. Аммо бу унинг ижодида тақлид бор, деган маънони аналтмайди. Анвар Эшонов ўз услубига, ўз қаламига эга ижодкор. У уруш мавзусида кўп асарлар ёзди. Гарчанд ўзи урушни кўрмаган бўлса ҳам бу мавзуга қайта-қайта мурожаат этди. Менимча бу бежиз эмас. Адиб уруш мавзусига янгича ёндошди. Кўп йиллар қулоғимизга «уруш бу қаҳрамонликка ундайди, умуман олганда ёмон нарса эмас» деганга ўхшаш гап сингдириб келинган эди. Анвар ака эса уруш деган палакат турган-битгани оғат эканини, инсон бошига беадад кулфатлар солишини теран ҳис этди ва асарларида шунини тасвирлади. Бундай асарлар узоқ йиллар яшайди... Анвар аканинг яна бир ўзига хос феъли бор эди. Суҳбатни «қийиб» ташларди. Даврада йигирма киши ўтирган бўлса, унинг бир ўзи икки соат суҳбат қуриши ва шу икки соатда йигирма киши бир лаҳза зерикмай, қаҳ-қаҳ уриб ўтириши мумкин эди. Ўша суҳбатларнинг ўзини тўпласа, жуда дилбар, жуда ибратли бир китоб бўлади... Анвар Эшонов шундай дилкаш инсон ва адиб эди. Унинг асарлари - мингларча китобхонлар қалбига, хотирасига - дўстлари, устозлари, шогирдлари кўнглида узоқ йиллар яшайди.

Сран ҳақида суҳбатлар Р.БЕКЖОНОВ, Ўзбекистон ҳамда Нью-Йорк Фанлар Академияларининг академиги.

ЎТА КАТТА ТЕЗЛИКЛАР ОЛАМИДА

Реал дунёда ҳар қандай ҳодиса кўплан-кўп «иплар» билан атроф муҳитга боғланган. Ундан бутунлай ажралиб чиқиш мумкин эмас. Битмас-туганмас ҳоссаларга ва ўзаро боғланишларга эга бўлишлик оламнинг асосий ҳислатларидан биридир. Шунинг учун ўта ёруғлик жараёнларида вақт йўналишининг ўзгариши, албатта, тезлиги ёруғликдан паст бўлган жисмлар ва улар билан боғлиқ бўлган ҳодисалар орқали белгиланадиган «вақт стрелкасига» тескари келади. Бу борада ҳодисалар орасида сабабий боғланишлар йўқоладиган гаройиб вазият вужудга келади. Айтилик, масалан, овчи тахион ўқ билан столбада турган қарғани уриб туширди. Шу ердан ўтиб кетаётган ракетанинг дарчасидан қараб турган космонавт кўзига эса қарадан қандайдир номалым сабабга кўра тахион ўқ отилиб чиқиб овчининг милтиғи билан ушлаб қолингандай бўлиб кўринади. Энг асосийси шундаки, овчи қандай бурчакда ушлаб туришини аввалдан билган ва тахион ўқни ушлаб қолишга ҳозирлик кўрган. Буларнинг ҳаммаси космонавт учун ҳақиқий ажойибот бўлиб туюлади. Тахионлар билан боғлиқ жараёнларда қандай қилиб сабабий бузилаётган ноаниқ қолмоқда. Яқинда италиялик физиклар сабабий бузилиши билан энергия ва импульсини сақлашни қонуни ҳам бузилишини кўрсатиб бердилар. Бошқача айтганда, агар бу қонуниларнинг аниқ бажарилиши талаб этилса, у ҳолда сабабийнинг бузилишига олиб келадиган ўзаро таъсир юзга келмайди ва физик жисмлар тахионларга нисбатан бутунлай шафқоф бўлади. Бахти қарши бунинг ўзи барча қарама-қаршиликларни йўқота олмайдди. Италиялик олимларнинг фикрича, тахионларнинг ҳаммаси билан сирлаша олмас, у ҳолда жисмининг қисми билан таъсирлашадиган ёки аксинча, сабабий-тат билан боғлиқ қийинчилик сакланиб қолади. Италиялик физикларнинг тажриба натижаси фазо ва вақтнинг катта, микроскопик бўлакларда тахионлар бўлмаслигини далил беради, чунки бошқача бўлганда сабабий таъсир, балки энергия импульсини сақлашни қонуни ҳам бузилади бўлар эди. Агар тахионлар ҳақиқатдан ҳам табиатда мавжуд бўлсалар, у ҳолда улар айтилган, фазо-вақтнинг ўта кичик соҳаларидан чиқа олмаётган бўлсалар керак. Бундай ўта кичик соҳаларда воқеаларнинг мунтазам кетма-кетлигини текшириш мушкул. вазифалар. Ҳақиқатдан ҳам элементар зарраларнинг парчаланиши устиде олиб борилган тажрибаларнинг кўрсатишича, 10-17 сантиметр ва 10-27 секунддан кичик субмикроскопик соҳаларда ўтмиш ва келажакни бир-бирига қарама - қарши қўйиб ўз маъносини йўқотади ёки ҳеч бўлмаганда бизнинг микродунёимизда биз кўнчиқ қолган маънодан анча узоқ бўлади. Бу борада, албатта ўта кичик соҳаларда тахионларни нима ушлаб турали, уларнинг тарқалиб кетишига нима тўсиқлик қилади? каби саволларнинг туғилиши табиий. У ерда тахионлар беркитиб қўйилган бўлиши мумкин. Бунинг учун улар, масалан, қисқа яқовчи зарралар бўлиб, ўз-ўзидан тезланидан қобилиятга эга бўлиши керак бўлади. Тезликнинг ортиб бориши билан уларнинг яшаш вақти қамийиб боради, шунинг учун ўз-ўзидан тезланиб бориб, ўзи «туғилган» жойдан узоқлашмай бирданга емирилиб кетади. Ўта ёруғлик зарранинг бундай «ҳибса» олиншига яна бошқача сабаблар ҳам бўлиши мумкин. Нима бўлишини қатъий назар ҳозирги вақтда ҳеч қандай - на фалсафий, - на «тоза физикавий» тўсиқлар йўқки, улар микродунё ҳодисаларида тахионларнинг қатъий таъсирини тўсиқлик қилсин ва вақт йўналишининг ўзгаришига қаршилик кўрсатсин. Аммо бундай ажойиб объект ва ҳодисалар ҳақиқатдан ҳам мавжудми? деган саволга тажрибалар жавоб бериши керак. Тахионларни атроф муҳитга қолдирган излари орқали топши мумкин. Аммо ана шундай одатдан ташқари ҳоссаларга эга бўлган зарралар одатдаги, бизнинг асбобларимиздаги моддалар билан таъсирлаша оладими? Базми олимлар бу мумкин эмас деб ҳисоблайдилар. Агар ҳақиқатдан ҳам шундай бўлса, у ҳолда тахионлар-кузатиб бўлмайдилар объектлардир, ёруғликкача ва ёруғликдан кейинги дунё бир-бирларидан ажралган бўлади, уларнинг бир-бирига тегиб турган чегаравий нуқталари бўлмайди. Лекин, шундай бўлсада, ҳамма нарса ўзаро боғланган табиатда ўз-ўзини бирор жабҳада кўрсата олмайдиган ва принцип жиҳатдан кузатиб бўлмайдиган моддий жисмлар бўлиши мумкинлигига ишонши қийин. Агар тахионлар билан ёруғлик тезлигигача бўлган моддалар ўртасида мулоқот мавжуд бўлса, у ҳолда айтиш мумкин, тахионлар ёруғлик тезлигидан пастроқ тезликлардаги зарраларнинг ўзаро тўқнашувида пайдо бўлиши лозим ва уларни бизнинг ихтиёримизда бўлган вოსиталар ердамида қайд қилиш мумкин бўлади. Бу борада анчагина тажрибалар ўтказилган. Базми бир ҳолларда шундай



Яқинда ёз, таъза...

Устоз шахматчи шарафига Республика шахматшашка клубида шахмат бўйича Ўзбекистоннинг бир неча бор чемпиони, халқаро ҳакам, республикада хизмат кўрсатган спорт устози Мамажон Муҳидиновнинг таваллуд тоилан кунига 70 ёшлиги билан қўтлаш маросими бўлди. Республика Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Б.Махситов, Ўзбекистон Шахмат федерациясининг вице-президенти, Ижтимоий таъминот вазири Б.Умурзоков, дўстлари ва қариндошлари юбилейни қўтлуғи билан самимий таъриқладилар. Унинг ўзбекистонда шахматни оммалаштириш ва ривожлантиришига қўшган ҳиссаси алоҳида таъриқланди. Мамажон Муҳидинов шахматта бағишлаб 43 тадан ортик китоб ёзган, газета ва журналларда беш мингта яқин мақола эълон қилган, клублар, мактаблар, маҳаллаларда кўлаб шахмат тугараклари очган. Устоз ҳозир ҳам сафда - у Ўзбекистон ешларига шахмат олами сирларини зўр эҳтирос билан ўргатмоқда. С.Тен, ўта муҳбири.

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ
Ҳомий: ЎЗБЕКИСТОН РЕАЛИТИКАСИ
Бош муҳаррир: Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир: Суннат АЗЛАРОВ
ТАҲРИРИЯТ: Кабулхона - 36-56-58, 33-95-97; хатлар бўлими - 36-54-64; таъриқот бўлими - 33-79-69; ижодкор ёшлар бўлими - 36-54-64; спорт (ҳарбий) таъриқот бўлими - 36-58-93, котибият - 36-58-48.
МАНЗИЛИМИЗ: 100021 Тошкент, Матбуотчи кўчаси, 22-йўл. Нашр кўрсаткичи 64607
Муаллифлар фикри таъриқот нуктаси назаридан фарқланиши мумкин.
Дизайн устаси С.ФАЙЗУЛЛАЕВ